



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ РЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

2019 йил “08” 06

№ 434/м

Тошкент ш.

“Бухгалтерия ҳисоби” фанидан  
Ўқув амалиётини ташкил  
қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли ва 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3702-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида”ги Низомга ҳамда институтнинг 2018-2019 ўқув йили ўқув жараёни графигига асосан

**БУЮРАМАН:**

1. Сиртқи бўлим “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (сув хўжалигида) таълим йўналиши 2-босқич талабаларига 10.06.2019 йилдан 13.07.2019 йилгача “Бухгалтерия ҳисоби” фанидан ўқув амалиёти ташкил этилсин.

2. Талабалар “Бухгалтерия ҳисоби” фанидан ўқув амалиётини ўташ учун амалиёт раҳбари тайинлансин ва ташкилотларга юборилсин:

**2-курс 6-гурух “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (сув хўжалигида) ўзбек  
Раҳбар: Тошходжаева Г.С.**

№	Талабалар Ф.И.Ш	Муддати	Амалиёт ўташ жойи
1	Азимов Ойбек Исмоилович	10.06.2019	“Сувлойиха”ДУК
2	Акбаров Алишер Шорахматович	13.07.2019	Лифт гарант МЧЖ

3. Амалиёт раҳбарларига:

талбаларни амалиёт ўташ жойларига жойлаштириш;  
ўқув амалиёти даврида талабаларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги  
қоидаларига риоя этишни ва иш интизомини таъминлаш;  
амалиёт дастурига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш;

амалиёт режасига биноан топширикларни бажариш ва амалиёт ҳисоботларини ўз вақтида топширилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. “Бухгалтерия ҳисоби” фанидан ўқув амалиётига умумий раҳбарлик қилиш «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири Ш.И.Ходжимухамедовага юклатилсин.

5. “Хаёт фаолияти хавсизлиги” кафедраси мудири Т.Хайдаровга: талабаларни амалиётга жўнатиш олдидан техника хавфсизлиги қоидалари билан таништириш, рия қилиш бўйича тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш, йўриқномалар бериш ва махсус журналга қайд этиш вазифалари юклатилсин.

6. Талабалар томонидан ёзма равишда тайёрланган ҳисоботни комиссия олдидан ҳимоя қилиш муддати 2019 йил 22 июль куни қилиб белгилансин.

7. Амалиёт якунида талабаларни ёзма ҳисоботини ҳимоя қилиш учун қуйидаги таркибда комиссия тузилсин:

- Доцент Ш.И.Ходжимухамедова – раис
- Доцент А.З.Табаев – аъзо
- Ассистент Г.С.Тошходжаева – аъзо

8. Амалиёт раҳбарларининг амалиёт натижалари бўйича ҳисоботлари 2019 йил 5 августгача ўқув-услугий бошқармасига топширилсин.

9. Мазкур буйруқни ижросини таъминлаш “Ўқув-услугий бошқарма” бошлиғи Д.Ходжаев ҳамда “Сиртки бўлим” бошлиғи А.Табаевга юклатилсин.

10. Буйруқни бажарилиш назорати ўқув ишлари бўйича проректор Б.Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Ректор



Ў.П.Умурзаков